# Ўзбек халқи муносиб келажак яратишга қодир

**"Жаҳон" ахборот агентлигига Лювен католик университети (Бельгия) профессори, Европа иттифоқи эксперти Роман Якемчукдан мақола келди. Муаллиф унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида қилган маърузасида кўтарилган масалаларга ўз муносабатини билдирган. Қуйида мақола қисқартирилган кўринишда эътиборингизга ҳавола этилмоқда.**

Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида қилган маърузасида парламент ислоҳотлари якунидан келиб чиқадиган вазифалар батафсил таҳлил қилинган ва ҳукуматнинг истиқболдаги асосий фаолият йўналишлари белгилаб берилган. Президент Ислом Каримовнинг мустақил Ўзбекистонни ривож топтиришда тутган муҳим ўрни, унинг мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётига оид чуқур билими ва тажрибаси ушбу ҳужжатга биринчи даражали долзарблик руҳини беради.

Қонунчилик ҳокимиятини мустаҳкамлаш, маҳаллий ҳокимият органларининг тобора ошиб бораётган мавқеининг тан олиниши ва бу борада Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга сазовор. Узоқ муддатли бўлган мазкур жараён ҳаётга фақат босқичма-босқич татбиқ этилиши мумкин. Қонунлар ва қарорлар қабул қилиш билангина бунга эришиб бўлмайди. Сиёсий ҳокимиятнинг янги кўринишлари халқда янгича менталитет, янгича фикрлаш жараёнини тарбиялайди. Бу эса вақт билан боғлиқ масала ва мазкур йўналишда фурсатдан аввал от қамчилашга ўрин йўқ.

Ўзбек халқи дунёқарашини эътиборга олиш керак. Ўзбекистон Президенти ўз маърузасида таъкидлаганидек, ҳамма ерда ва ҳамиша қўлласа бўладиган универсал моделнинг ўзи йўқ. Ўзбек халқининг ўзига хослиги унинг қадимий тарихи, анъаналари ва урф-одатлари, диний қарашлари билан боғлиқ.

Ўзбекистонда қонунчилик ҳокимиятини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, ушбу мамлакат ҳар қандай вазиятда тезкорлик билан қарорлар қабул қила оладиган ва уларни бажаришга қодир ижро ҳокимиятига ҳам муҳтожлигини эсдан чиқармаслик керак. Ижро ҳокимияти ҳалифат ўрнатишга интилаётган диний фундаментализмга қарши қатъий курашмоғи лозим. Террорчилик ҳаракатларини ҳеч қандай баҳона, ҳеч қандай сиёсий мақсад оқлай олмайди. Ижро ҳокимияти терроризмга қарши курашда бирлаштирувчи ва олдга чорловчи роль ўйнаши керак.

Бу эса демократиянинг қандай талаблар қўйишидан қатъи назар терроризмга қарши кураш биринчи даражали аҳамиятга эга эканини англатади. Терроризм хавфи Марказий Осиё учун Европага нисбатан анча юқори. Чунки Европада террорчилар бегуноҳ кишиларни қурбон қилаётган бўлса, Марказий Осиёда улар ўз олдига давлат тизимини тўнтаришни мақсад қилиб олишган.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш бўйича кўтарган долзарб ташаббусига келсак, Европа ҳамжамияти тажрибаси минтақавий ҳамкорлик мураккаб жараён экани, бунда давлатлар баъзи бир мақсадлардан воз кечишига тўғри келиши, уларни мураккаб танлов олдига қўйишини кўрсатганини таъкидламоқчиман.

Ўзбекистондаги аҳоли ўсиш кўрсаткичлари ижобий аҳамиятга эгалиги билан бир қаторда маълум муаммоларни ҳам туғдиради. Ўзбекистон бозори ҳар йили минглаб ёш куч билан тўлмоқда. Ўзбекистон иқтисодиёти олдида янги ишчи ўринлари яратиш, янги корхоналар ташкил қилиш, мамлакат экспорт салоҳияти ва сайёҳлик бизнесини ривожлантиришдек ўта муҳим вазифалар турибди.

Мен келажакка катта ишонч билан боқаман. Бу ишончни ўзбек миллатининг ажойиб хислатлари оқламоқда. Ўзбеклар оқил ва меҳнаткаш, хорижликларга нисбатан доимо меҳмондўст. Шахмат бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Рустам Қосимжонов ўзбеклар катта интеллектуал салоҳиятга эгалиги, фан ва юқори технологиялар соҳаларида улкан муваффақиятларга эриша олишини яна бир бор исботлади. Ўзбек халқининг муносиб келажак яратишга қодирлигига ишончим комил!

**«Жаҳон» АА.**

# ЁШЛАР ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ

**Тошкент архитектура ва қурилиш институтида «Биз терроризмга қаршимиз!» мавзуида ёш рассомлар асарлари кўргазмаси очилди. Унда етмиш нафардан зиёд талабанинг ижод намуналари намойиш этиляпти.**

Кўргазма очилишида дунёнинг турли жойларида ўзининг жирканч қиёфасини намоён этаётган террорчилик, шунингдек, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик сингари салбий иллатлар инсоният бошига оғир кулфат келтираётгани таъкидланди.

Кўргазмадан ўрин олган расмларда жаҳолат ва ёвузликка нафрат, эзгулик ва ҳаётга муҳаббат ғоялари акс эттирилган. Уларда террор туфайли ҳаётдан бевақт кўз юмган болалар мисолида, гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик оқибатида келиб чиқадиган фожиаларни тасвирлаш орқали ёшлар турли салбий оқимлар таъсирига берилиб кетмаслик, огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этилади.

**ЎзА.**

# БАНКЛАР САРҲИСОБИ

**"Ахбор-рейтинг" банклараро рейтинг компанияси республика тижорат банкларининг "Акциядорлик капитали", "Активлар", "Берилган кредитлар" ва "Аҳолидан жалб қилинган омонатлар" каби кўрсаткич даражалари бўйича 2004 йилнинг якуний натижаларини эълон қилди.**

Ўтган йилда банкларнинг умумий акциядорлик капитали 14,15 фоизга ўсган. Бу кўрсаткич бўйича йирик банклар гуруҳидан "Асака банк", "Ўзсаноатқурилишбанк" ва "Пахтабанк", ўрта банклар гуруҳидан — "Ҳамкорбанк", "Ипак йўли" ва "Кредит-стандарт" банклари ҳамда кичик банклар гуруҳидан "Давр банки" яхши натижаларга эришган. Банк гуруҳлари бўйича кузатилганда ўсиш суръати йирик банкларда 12 фоизга, ўрта банкларда 25,7 фоизга, кичик банкларда эса 28,7 фоизга ошган.

Ўтган йилда акциядорлик капитали миқдори "Кредит-стандарт" банкида 200 фоизга, "Капиталбанк"да 169,3 фоизга, "Ҳамкорбанк"да 165,2 фоизга ошганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Банкларнинг умумий акциядорлик капиталининг ўсишига 2004 йилда акциядорлик капитали таркибидаги "Тақсимланмаган фойда"нинг 62,78 фоизга ва "Оддий акциялар" 24,62 фоизга ортганлиги сабаб бўлди. Банклар умумий активларининг ҳажми йил мобайнида 31,6 фоизга ўсган. Бунда "Асакабанк", "Ўзсаноатқурилишбанк", "Уйжойжамғармабанк", "Бизнес банк", "Ҳамкорбанк", "Ипак йўли" банки ҳамда "Давр банк"ларининг улуши катта бўлди. Гуруҳлар бўйича қараганда ўсиш суръати йирик банкларда 27,31 фоиз, ўрта банкларда 52 фоиз, кичик банкларда эса 13,7 фоизни ташкил этди.

**«Туркистон-пресс».**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармонида мактаблар моддий-техника базасини ривожлантириш, уларни ўқув қўлланмалари, лаборатория асбоблари, компьютер техникаси билан таъминлаш, таълим тизимида амал қилинаётган ўқув стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш, умумтаълим мактабларини малакали педагогик кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳамда спорт базасини ривожлантириш каби асосий йўналишлар кўзда тутилган.**

# ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Ўқув жараёни, ўқувчиларнинг билим даражаси, уларнинг республика ўқув олимпиадалари ва танловларида иштирок этиш хусусияти, ўқитувчилар малакасини ошириш, компьютер техникасидан фойдалана билиш ва умумтаълим жараёнининг бошқа жиҳатлари ушбу дастур талабларига мувофиқ ҳолга келтирилиши лозим. Бу билан боғлиқ масалалар эса «2004 йилнинг энг яхши мактаби» республика кўрик-танлови давомида аниқлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида мамлакатимизнинг энг яхши мактабларининг ўзига хос беллашувига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 мактаб иштирок этади.

Кўрик-танловнинг якуний босқичи 18 февралда пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 162-мактабда бўлиб ўтади.

**ЎзА.**

# ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ВА ТАЪЛИМ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2003-2004 ўқув йилидан барча таълим муассасалари дастурига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш бўйича махсус дарслар киритилган эди.**

Ёшларнинг ҳуқуқий ҳамда истеъмол маданиятини оширишда ушбу фан муҳим аҳамиятга эга.

Айни вақтда шу соҳа бўйича дарс берувчи ўқитувчилар малакасини мунтазам ошириб бориш, уларни интерфаол дарс технологиялари билан таништириш долзарб вазифадир.

Пойтахтимиздаги Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида ўтган республика семинарида ана шу ҳақда сўз юритилди. «Истеъмолчи ҳуқуқлари қандай ҳимоя этилади», «Пул ва электрон пуллар», «Ахборот манбалари», «Солиқ ва солиқ декларацияси» каби мавзуларда амалий машғулотлар ўтказилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Ўзбек кураши вақт ўтган сари жаҳоннинг турли мамлакатларида ўзининг кўплаб мухлисларини топиб бораётир. Британия кураш ассоциациясига 2000 йили асос солиниб, биринчи турнир ўтказилган эди.**

# Курашда инсонпарварлик фалсафаси ҳам мужассам

Яқинда эса Кент графлигининг Ситтингборн шаҳрида кураш бўйича йиллик турнирнинг бешинчи мусобақалари бўлиб ўтди. Унда тўққизта вазн категориялари бўйича жаҳоннинг 10 мамлакатидан 150 нафардан зиёд спортчи беллашдилар.

Турнирнинг "Swallows Leisure Centre" спорт мажмуида бўлиб ўтган тантанали очилиш маросимида Халқаро кураш ассоциацияси президенти К.Юсупов, Британия кураш ассоциацияси президенти Тимоти Томас ҳамда Кент графлигининг Свейл тумани мэри Колин Прескотт мусобақа полвонлари ва ўзбек кураши мухлисларини қизғин қутлашди.

– Кураш нафақат спортнинг якка беллашув тури, балки инсонпарварлик фалсафаси ҳамдир, – дейди Тимоти Томас. – Рақибининг мағлубиятидан хурсанд бўлмаслик, бировга ҳасад қилмаслик, ҳаққўйлик ва ҳалоллик курашчиларнинг муҳим қоидалари сирасидан. Курашнинг халқаро қоидаларига киритилган ана шундай қатор тартиб-қонунлар уни нафақат Буюк Британияда, балки бутун дунёда тобора оммавийлаштириб бормоқда.

Турнирнинг бешинчи мусобақаларида умумжамоа ҳисобидаги биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлар Буюк Британия, Ўзбекистон ва Молдова полвонларига насиб этди.

**Авазбек ҲОЖИМЕТОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**
**Лондон.**

# СПОРТ МАВСУМИ ОЧИЛДИ




**Зангиота туманидаги «Эшонгузар» марказий ўйингоҳида ўқ отиш тури бўйича ўсмирлар ўртасида вилоят мусобақаларининг биринчи босқичи ҳамда «Ватанпарвар» ташкилотида спорт мавсумининг очилишига бағишланган тадбир ўтказилди.**

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Зангиота тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган бу тадбир давомида қатор кенгаш ва уларнинг раҳбарларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. 2004 йил якунлари бўйича юқори натижаларга эришганлиги учун Бўстонлиқ, Юқоричирчиқ, Бекобод туманлари кенгашларига қимматбаҳо совғалар ҳамда дипломлар топширилди. Чирчиқ, Келес ҳамда Ангрен автомобиль мактаблари юқори билимли техник мутахассисларни тайёрлашда ўрнак бўлаётганликлари эътироф этилди. Спортнинг техник-амалий турлари бўйича катта ютуқларга эришганлиги учун Зангиота, Ўртачирчиқ ҳамда Юқоричирчиқ туманлари кенгашларининг фаолияти намунали, деб топилди.

— Бугунги кунда вилоят кенгаши тизимидаги барча шаҳар ва туман кенгашлари, автомобиль мактаблари қошида спортнинг техник ва амалий турлари бўйича 100 га яқин тўгараклар ишлаб турибди. Уларда 5000 нафарга яқин ёшлар мунтазам шуғулланмоқда. Сиҳат-саломатлик йилида улар фаолиятини янада жонлантириш, ёшлар орасида спортни кенг оммалаштиришни режалаштирганмиз, — деди вилоят кенгаши раиси Каримжон Ваҳобов.



Мусобақа таассуротлари билан ўртоқлашиш мақсадида иштирокчилар билан суҳбатлашдик.

**Маҳмуд Махамбоев,**
**Чиноз туманидаги**
**5-мактаб ўқувчиси:**

— Мен спортнинг ўқ отиш тури бўйича бир йилдан буён шуғулланиб келмоқдаман. Спортга кириб келишимда мураббийим Зафар Бегматовнинг ҳиссалари катта. Агарда бугунгига ўхшаш мусобақалар тез-тез ўтказиб турилса, ёшларнинг қизиқиши янада ортган бўларди.

**Феруза Сотволдиева,**
**Янгийўл туманидаги**
**10-мактаб ўқувчиси:**

— Ўқ отиш тури бўйича ўтказилаётган мусобақада илк бор иштирок этишим. Лекин бу ерда ўзим каби қизларни кўриб хурсанд бўлдим. Биз бу ерда совринли ўринларни олишдан ташқари янги дўстлар орттириб, тажриба ва маҳоратимизни оширдик.

**Рисбой Солиҳов,**
**бош ҳакам:**

— Бугунги мусобақада 80 нафар спортчи, 20 нафар мураббий ҳамда 18 нафар ҳакам иштирок этмоқда. 1-тоифали спортчилар Сухроб Бойназаров, Акмал Тўраев ҳамда 2-тоифали спортчи Азиз Эсонбоевларнинг қатнашиши мусобақаларнинг жиддий, муросасиз, қизиқарли кечишига ҳисса қўшди. Айтиш жоизки, ушбу тадбирнинг савияси, оммавийлик даражаси кўтарилиб, иштирокчилар йилдан-йилга кўпаймоқда.

Шундай қилиб, мусобақанинг якуний натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида Чирчиқ автомобиль мактаби биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ҳамда учинчи ўринларни Чирчиқ шаҳар ҳамда Ўртачирчиқ тумани кенгашлари жамоалари эгаллашди. Қизлар ўртасида Л. Бутузова (Чирчиқ), К. Муҳаммадзиянова (Ўртачирчиқ тумани) ҳамда А. Кенжаева (Чирчиқ), ўсмирлар ўртасида А. Тўраев (Чирчиқ), А. Эсонбоев (Чирчиқ), В. Югай (Ўртачирчиқ тумани) фахрли ўринларни эгаллашди.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**



*СУРАТЛАРДА:* *спорт мусобақаларидан лавҳалар.*
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## ● 2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили

**Мамлакатимиз меҳнаткашларининг мазмунли ҳордиқ чиқариши ва саломатлигини мустаҳкамлаши учун зарур шарт-шароит яратиш, замонавий санаторий-курорт хизмати кўрсатишни яхшилаш соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни изчил амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилнинг Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши жойларда ана шундай масканлар фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши курортлар бошқармаси бошлиғи Акмал ЙЎЛДОШЕВ бу ҳақда ЎзА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:**

# СИҲАТГОҲЛАР ЭЛ ХИЗМАТИДА

– Ҳозир тизимимизда ўн тўққизта санаторий ишлаб турибди. Уларда ҳар йили эллик мингдан зиёд киши ўз саломатлигини тиклаяпти. Илгари санаторийларнинг кўпчилиги етарли қулайликларга эга бўлмаган кўп ўринли ётоқхоналардан иборат эди. Шу боис янги санаторий мажмуаларини қуриш, эскиларини қайта реконструкция қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу жараёнда санаторий-курорт хизматини янада такомиллаштириш фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Жумладан, Оролбўйи аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида Қорақалпоғистонда «Гулпаршин» ва «Айдосқалъа», Хоразм вилоятидаги «Хонқа» санаторийлари барпо этилди. Шу туфайли уч юзга яқин иш ўринлари яратилди.

«Абу Али ибн Сино», «Оқтош», «Ботаника», «Бўстон», «Чинобод», «Чимён» сиҳатгоҳларининг ётоқ ва даволаш бинолари таъмирланиб, замон талаблари даражасида қайта жиҳозланди. «Турон» ва «Умид гулшани» санаторийларида оналар ва болалар саломатлигини яхшилашга мўлжалланган бўлимлар барпо этилди.

Жаҳон андозаларига мос ётоқ, даволаш-диагностика хоналари, ошхона, маданият-маърифат уйлари қуриш ёки капитал таъмирлаш, тиббий ускуналар, мебель ва бошқа зарур анжомлар билан жиҳозлаш ишлари аниқ режа асосида олиб борилаётир.



Дам олиш масканларининг аксарияти муайян соҳага ихтисослашган. Масалан, «Чинобод»да овқат ҳазм қилиш аъзолари, «Оқтош» ва «Зомин»да нафас йўллари хасталиклари, «Умид гулшани» санаторийсида эса гинекологик-андрологик касалликлари билан хасталанган беморлар даволанади. «Турон» ва «Чортоқ» санаторийлари эса юрак-қон-томир хасталикларини даволашга мўлжалланган.

Санаторийларнинг аксариятида шифобахш маъданли сувлардан кенг фойдаланилади. Улар таркиби жиҳатидан машҳур Кавказ, Россия, Украина ва бошқа минтақалардаги шифобахш сувлардан қолишмайди. Шу боис, кўпгина хорижлик фуқаролар ҳам сиҳатгоҳларимиз хизматидан баҳраманд бўлаётир.

Даволаш-ташхис жараёнини янада такомиллаштириш, мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифатини оширишда замонавий тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ташаббуси билан санаторийларни бошқаришнинг янгича усулларига ўтиш ўз самарасини бермоқда. «Турон» ва «Чинобод» санаторийлари очиқ акциядорлик жамиятига, ўндан зиёд шундай маскан эса масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди.

Президентимиз ташаббуси билан 2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши соҳамиздаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим асос бўлаётир. Йил бошиданоқ «Чимён» санаторийсида 85 ўринли даволаш-соғломлаштириш корпуси қуриб ишга туширилди. «Бўстон» ва «Оқтош» санаторийларида ётоқ биносини таъмирлаш ишлари бошланди. Бир қатор сиҳатгоҳларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш режалаштирилган.

Тизимдаги санаторийларда бу йил 52 минг нафардан кўпроқ юртдошимиз ўз саломатлигини тиклайди. Жумладан, олти мингга яқин нафақа ёшидагилар ва меҳнат ногиронларига имтиёзли, бир ярим минг нафар иш билан банд бўлган нафақахўрга бепул хизмат кўрсатилади. Шу мақсадда Касаба уюшмалари федерацияси томонидан 1,5 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилган.

**ЎзА мухбири**
**Б. ХИДИРОВА ёзиб олди.**

# ОНА ТАБИАТГА МЕҲР БИЛАН

**Табиатни асраб-авайлаш, уни келгуси авлодларга асл ҳолида етказиш йўлида қанчадан-қанча ташкилотлар, жамғармалар фаолият кўрсатмоқда. Шулар қаторида халқаро «Экосан» экология ва саломатлик жамғармаси ҳам бор. Биз ушбу жамғарманинг Тошкент вилояти филиали директори Зарифжон Қўзиев билан суҳбатда бўлдик.**

**— Зарифжон Ўроқович, экология ва саломатликни яхшилашга қаратилган фаолиятни тўғри йўлга қўйишда жамғарма филиали ўтган йили қандай ишларни амалга оширди?**

— Жамоамиз мусаффо экологик муҳит яратиш, табиий бойликларни муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган «Экосан» меҳр-мурувват йўлида» дастурини қабул қилди ва шу асосда меҳрга муҳтож бўлган ногиронларга, кам таъминланган оилаларга, қария ва етимларга ғамхўрлик кўрсатиш, одамларни бир-бири билан аҳилликка, меҳр-оқибатга чақириш, қўшничилик муносабатларини яхшилаш мақсадида «Қўшни қўшнига» шиори остида мурувват кунлари ва «Энг мурувватли қўшни» кўрик-танлови ўтказилди. «Энг ибратли йигит» кўрик-танлови якунларига кўра иштирокчиларга умумий қиймати 87300 сўмлик спорт кийимлари тақдим этилди.

Бўстонлиқ туманидаги болалар ёзги дам олиш оромгоҳларида ўтказиб келинаётган экофестивал ҳам яхши анъанага айланиб қолди. «Чорвоқ-2004» деб номланган ушбу фестивалда Бўстонлиқ туманида жойлашган барча болалар оромгоҳларининг дам олувчилари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятидан келган болалар иштирок этишди. «Оқ елкан» оромгоҳида тозалик, ободончилик тадбири ўтказилиб, болаларнинг табиий ашёлардан тайёрланган ижод маҳсуллари кўргазмаси, бадиий жамоаларнинг ижодий чиқишлари уюштирилди, оромгоҳларга инсонпарварлик ёрдамлари топширилди.

**— «Экология ва саломатлик кунлари» доирасидаги тадбирлар, кўкаламзорлаштириш ишлари қай йўсинда олиб борилмоқда, улардан тушган маблағлар нималарга сарф этиляпти?**

— «Экология ва саломатлик кунлари» 1994 йилдан бери ўтказиб келинмоқда. У йил давомида уч босқичда давом этади. Биринчи босқич баҳорги ҳисобланиб, март-май ойларида ўтказилади ва у умумхалқ миллий байрамимиз Наврўзга уланиб кетади. Иккинчи босқич июнь-август ойларида ташкил этилади. Сентябрь-октябрь ойларида бўлиб ўтадиган 3-босқич эса республикамиз мустақиллиги шодиёналари арафасига тўғри келади. Улар доирасида барча ҳудудлар, кўчалар, маҳаллалар ободонлаштирилади, янги боғлар, сайлгоҳлар барпо этилади. Бундан ташқари «Бизнинг келажак ва экология», «Спорт, экология ва саломатлик», «Болалар ва табиат», «Санъат ва экология» каби маданий-оммавий тадбирлар, концерт дастурлари, спорт турнирлари ўтказилади.

Ўтган йилнинг ўзида ҳисоб рақамимизга 14 миллион сўм маблағ келиб тушди. Улар кам таъминланган, кўп болали, ёрдамга муҳтож оилаларга мурувват ёрдами сифатида тарқатилмоқда. Жумладан, Чиноз туманидаги 4-мактаб-интернатга 538 минг сўмлик кўрпа-тўшак жилдлари, болалар оёқ кийимлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

**— Жамғарманинг «Сиҳат ва саломатлик йили»даги режалари ҳақида қисқача тўхталсангиз.**

— Бу йил «Экосан» жамғармаси учун анча масъулиятлидир. Чунки фаолиятимиз сиҳат ва саломатлик тушунчаси билан бевосита боғлиқ. Шуни инобатга олиб, «Соғлом муҳит — соғлом ҳаёт гарови» мақсадли дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур Чимён-Чорвоқ ва Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларида экологик сайёҳликни ривожлантириш, маҳаллаларда санитария ва гигиена маданиятини ошириш каби қатор тадбирларни қамраб олган. Вилоят ҳудудида санитария ва гигиена аҳволини яхшилаш, тоза ичимлик сув таъминоти ва тежамкорлигини ошириш, «СЭС-Экосан» дастури доирасида аҳоли зич яшайдиган жойларда, мактаб, боғча, шифохона, овқатланиш муассасаларида экологик рейдларни ўтказиш режалаштирилган.

**Хуршида МЎМИНОВА**
**суҳбатлашди.**

# Сайёҳларга кенг йўл

**Тель-Авивда анъанавий халқаро туристик ярмарка ниҳоясига етди. Унда 22 мамлакатнинг 160 дан ортиқ компания ва фирмалари қаторида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Исроилдаги ваколатхонаси ҳамда «Сайрам туризм» компанияси вакиллари ҳам муносиб иштирок этди.**

Ўзбекистон вакиллари учун ярмарка учрашувлар ва музокараларга бой бўлди, турли давлатларнинг туроператорлари ва авиаташувчилари билан янги алоқалар ўрнатилди. Исроил, Болгария ва Кипрнинг «Alamo», «Euromart Ltd», «Gama Turs», «Masa Acher», «Bulgarian Turist Authority», «Granat», «Atrion Travel» ва «Pafos Turist» каби туристик компаниялари вакиллари, айниқса, мамлакатимизга катта қизиқиш билдиришди.

Халқаро туристик ярмарка ташкилотчиларидан бири Орли Спагнул шундай деди:

– Ярмарканинг Ўзбекистон Республикаси бўлими билан танишар эканман, мамлакатингизга бўлган қизиқишни яна бир бор ҳис қилдим. Ўзбекистон ўзининг бой маданий мероси, тарихий қадамжолари, халқининг меҳмондўстлиги билан донг таратган. Умид қиламанки, сайёҳларнинг мамлакатингизга қилаётган саёҳатлари йилдан-йилга кўпайиб бораверади.

**Баҳром ШАРИПОВ,**
**«Жаҳон» АА,**
**Тель-Авив.**

# БАЙНАЛМИНАЛ РУҲДА ЎТДИ

**Тошкентда Шарқ тақвимига биноан кириб келган янги йил нишонланди. Байрам тадбири Тошкент шаҳри ва вилояти корейс маданият марказлари уюшмаси томонидан ташкил этилди. Ўзбек, рус, татар, уйғур ва бошқа миллат вакиллари иштирок этган тадбир ҳақиқий байналминал руҳда ўтди.**

Янги йил корейслар кўпроқ яшайдиган Қўйлиқ-5 даҳасидаги «Баҳор» кафесида нишонланди. Байрам тадбирида корейс ва дунё миллатлари мусиқалари янграsevergi. Тадбирда сўзга чиққанлар йиғилганларни янги йил билан қизғин қутлашди. Шарқ тақвимига биноан хўроз йили бошланади. Шунинг учун мағрур хўроз безатилган залнинг бу бошидан нариги бошигача ўтиб меҳмонларни хушнуд этди.

Бугунги кунда Корея маданият марказлари уюшмаси Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янада ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда. Мамлакатимизда 24 та корейс маданият маркази фаолият юритаяпти. Улар Жанубий Корея ва у ердаги жамоатчилик маданият ташкилотлари билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имкониятига эга. Бу эса уларнинг янада самарали фаолият юритиши учун қўл келмоқда.

Кореянинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан эса турли кўргазмалар, халқ ўйинлари намойиши, корейс кинофильмлари тақдимоти ва корейс қўшиқлари фестивали, миллий ва эстрада мусиқаларини қамраб олган «Корейс маданияти кунлари» тадбири ўтказилади.

**«Туркистон-пресс».**

## • Ҳаёт сабоқлари



# ОТАНГ ЯХШИ – СЕН ЯХШИСАН

Яхши инсонларни учратган чоғингизда «отасининг тарбиясини олган экан» ёки «яхши одамнинг боласи экан» деб қўйишингиз табиий. Ота тарбияси, унинг оиладаги ўрни фарзанднинг зандлари ёмон чиқди? Бунга шунчаки жавоб бериш осон эмас. Бунинг учун оила муҳитини ўрганиш, билиш керак.

Бўтабой аканинг оиласидаги муҳитни ёзишдан олдин, жуда кўплаб маҳаллаларимиз оқсоқоллари фаолиятидаги битта камчиликка эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу ҳам бўлса оқсоқолларимиз ўзлари бошчилик қилаётган маҳаллалардаги ҳар бир оиланинг шароити, муҳити, аъзолар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат қандай аҳволда эканлиги ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмаслар. Шунинг учун маҳалладан бирор жиноятчи ёки террорчи чиқиб қолса, «Бу оиладан шундай одам чиқади деб ўйламабмиз» деган тарози босмайдиган гапни айтишади.

келажагини таъминлайди, десак муболаға бўлмайди. «Хўш, ота тарбияси оилада қандай бўлиши керак» деган саволга жавоб излаб кўрайлик. Албатта, бу масалага ҳар кимнинг ўз жавоб мезони бор. Яхшиси, ҳаётда бўлиб ўтган воқеалар замирида бу саволимизга жавоб изласак ва мулоҳаза юритсак, тўғри бўларди, деб ўйлайман.

Кўтарма маҳалласида бир оила яшайди. Уй эгаси Бўтабой ака туманда обрўли, ўзига тўқ оиланинг бошлиғи. Одамлар унинг юриш-туришида, муомаласию дастурхонида бирор камчилик кўришмаган. Лекин уч ўғилнинг ҳаммаси жиноят кўчасига кириб чиқиб, бир неча бор судланган. Қамоқдан бирин-кетин чиқиб келиб, яна бирин, кетин қайтиб бораётган бу фарзандлар тарбиясида отанинг ўрни, қўли йўқдай. Савол туғилади: ота яхши бўлса, нега энди фар-

Юқорида мисол келтирганим Бўтабой аканинг оиласида ҳам шундай. Болалар ҳулқи маҳалладаги йиғилишларда бир неча бор муҳокама қилинган. Оила бошлиғига «ўзингиз яхши одамсиз-ку, болаларингиз нега бунақа?» деб дашном ҳам беришган. Лекин ичкарида, ҳовлида, оилада аҳвол бошқача.

Гап шундаки, Бўтабой аканинг топиш-тутиши яхши. Оилага анча-мунча даромад келади. Ота эса бу пулнинг ҳисоботини олмайди, ҳаммасига хотин жавобгар. Фарзандлар эса онадан пул олишни билади. Она — она-да. Фарзандининг кўчада пулга зор бўлиб юришини хоҳламайди. Хуллас, бели оғримай топилган пул болаларни ёмон йўлларга бошлайверади. Ота олиб келувчи, она тарқатувчи, болалар эса сарфлагувчи.

Яна бир томони бор: рўзғорда бирон етишмовчилик бўлса, Бўтабой ака елиб-югуради. У ҳам болаларим камчилик кўрмасин деса керак-да. Болалар жиноят қилиб қўйганда эса, «сенга нима етишмайди, аҳмоқ, ебичишдан, кийинишдан камчилигинг йўқ, чўнтагингда пул, яна нима керак?» деб куйиб кетади, дардини ичига ютади, кўчага эса кулиб чиқади.

Хўш, бу оиланинг хатоси қаерда, Бўтабой ака қаерда янглишди деган мулоҳаза хаёлингизда айланаверади. Гап шундаки, бу оилада фарзандларни ёшлигидан бошлаб меҳнатга ўргатиш йўқ, ўзи топиб, ўзи мазасини тотиш йўқ. Ҳамма нарсаси тайёр боланинг эса интилиши ҳам, мулоҳазаси ҳам ҳаракатига яраша бўлади.

Ўртачирчиқ туманидаги Роватак маҳалласида Баҳром исмли муаллим яшайди. Ҳозир нафақада. Шу одамнинг бор-йўғи 6 ёки 8 сотих ери бор. Қишлоқда яшашига қарамай, шу ерда кичик иссиқхона қуриб ёки очиқда эртаки сабзавотлар етиштириб, пул топади. Энг қизиғи — экилган экинлар парваришида ҳар бир фарзанднинг бажарадиган ўз юмуши бор. Ўқишдан келадими, ишдан келадими, овқатланиб бўлгач, албатта, томорқада ишлашади. Кечқурунлари эса ота болаларининг дарси билан қизиқади. Йиллар ўтиб, болалар катта бўлишди, ўқимишли, билимли ҳаммаси. Энди улар уйли-жойли бўлиб, фарзандларига ўзлари каби меҳнат қилишни ўргатишмоқда.

— Болаларимни тийиннинг қадрига етишга ўргатганман, меҳнатнинг таги роҳат эканлигини тушунтирганман ва ўзинг ишлаб топган ноннинг мазаси ширин бўлишини доим уқтирганман, — деган эди Баҳром суҳбатларнинг бирида.

Демак, отанинг оиладаги ўринларидан бири — болаларни меҳнатга ўргатишдан иборат экан. Бекорчиликнинг машқини олган болани меҳнатга қайтариш қийин бўлади. Келинг, биз ҳам дўппини олиб, оиламиздаги муҳитни таҳлил қилайлик. Ота тарбияси ўз ўрнидамикин?..

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**



# ТАБАРРУК МОМО

**Ҳаётнинг сир-синоатларини кўп кўрган, аччиқ-чучугини обдон тотиган кишилар ҳамма ерда, ҳамиша табаррук ҳисобланишади. Шунинг учун бўлса керак, кўпчилик ўртачирчиқлик 102 ёшли Қуддус момонинг дуосини олишга интилади.**

Беш фарзанд ва ўнлаб невара-чеваралар даврасида бўлиш, уларнинг бошини силаб, эркалаш Қуддус момога олам-олам қувонч бағишлайди.

***Суратда:*** *Қуддус момо чевараси Умрзоқ билан ўзининг болалик хотираларини ёдга олмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## • Қилмиш-қидирмиш

# ОТ КИШНАТГАН «ЙИГИТЧА»

**– Йигит, бир дақиқага мумкинми? – ички ишлар ходимини кўрган А. Асрор отни тўхтатиб, ундан тушиш ёки тушмаслигини ҳам билмай қолди. «От ўзингникими?» – дея берилган савол эса уни буткул эсанкиратиб қўйди...**

Ёшларни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш таълим муассасаларининг биринчи галдаги вазифасидир. Шу мақсадда Тошкент олий қўмондонлик билим юрти Қибрай тумани Тузел қишлоғида ёрдамчи хўжалик ташкил этиб, от боқиш йўлга қўйилган. Бу ерда от минмаган йигитларга унинг сирларини ўргатиб боришади.

Январь ойининг бошларида ёрдамчи хўжалик даласида қорабайир зотли қизил рангли от ўтлаб юрган эди. У ўн олти ёшли А. Асрорнинг оромини йўқотди. Йигитча 3 январь куни атрофда ҳеч ким йўқлигини кўриб, отни ўғирлади. Уни миниб, қоровуллик қилаётганларга кўринмасдан Роҳат кўли томон йўл олди.

Оҳангарон-Тошкент автомобиль йўлини кесиб ўтган кўприк тагидан отни эгарсиз миниб кетаётган йигит Бектемир тумани ички ишлар бўлими ходимлари Усмонали Турдибоев ва Ҳусан Бойназаровнинг эътиборини тортди. Гумонланиб, йигитдан от кимга тегишли эканлигини сўрашганида, у ўзимга тегишли дея ички ишлар ходимларини чалғитди. Бироқ, улар томон югуриб келаётган ҳарбий кишининг бақириғи «чавандоз»ни безовталантириб қўйди. Отни қидириб келган бу йигит бор гапдан ички ишлар ходимларини воқиф этди.

Милиция ходимларининг ҳушёрлиги туфайли бир жиноят «иссиғи»да фош этилди. А. Асрор ҳозир Қибрай тумани ички ишлар бўлими терговчисининг саволларига жавоб бермоқда.

**Шерали АНВАРОВ,**
**Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси матбуот марказининг катта инспектори.**

## • Шундан кейин

### СУМАТРАДА ЗИЛЗИЛА

Кеча эрталаб Индонезиянинг Суматра ороли яқинида Рихтер ўлчами бўйича 6 балли ер силкиниши қайд этилди. Зилзила маркази Паданг шаҳридан шимоли-шарқда, 200 километр наридаги океан ҳудудида экан. Маҳаллий ҳокимият вакилларининг маълум қилишича, оролда қурбонлар ва талофотлар йўқ.

### МЎМАЙ МАОШНИ КЎЗЛАБ



Англия армиясининг нуфузли полки — махсус авиадесант хизмати ҳарбийлари орасида қўриқчилик соҳасида мўмай даромад топишга қизиқиб, истеъфога чиқаётганлар сони ҳаддан зиёд кўпайиб кетди. Шу боис полк қўмондонлиги қисмдаги аскарларга очиқ хат билан мурожаат қилиб, хизматни тарк этмасликка чақирди.

### ТАБИИЙ МАНБА ХАВФИ

Экологларни ташвишга қўйган модданинг келиб чиқиши табиий бўлиши мумкин. Соҳилга чиқиб қолган кит мойининг кимёвий таҳлили натижаларини тадқиқ этган олимлар шундай фикрга келдилар. Кейинроқ аниқланишича, кит мойидаги токсинни сув жониворлари — денгиз булутларининг бир тури ишлаб чиқарар экан.

### ОИТС ВИРУСИ ФОЙДАЛИМИ?

Америкалик олимлар ОИТС вирусининг «безарар» шаклини яратдилар. У бирор хасталик уйғотмайди, аммо саратон (рак) ҳужайраларини бехато топади. Мутахассислар мазкур вирусдан онкологик касалликларни даволашда фойдаланиш ниятидалар. Бунинг учун унга ўсма ҳужайраларни нобуд қилувчи ген киритилиши кифоя.

### ДАЪВОГАРЛАР БЕШТА



Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Халқаро олимпия қўмитасининг шу йил 6 июлда Сингапурда ўтадиган навбатдаги сессияси чоғида 2012 йил Олимпия ўйинлари пойтахти сайловида иштирок этади. Лондон 2012 йил ўйинлари шаҳри бўлишига даъвогарлардан бири. Унинг рақобатчилари эса Париж, Нью-Йорк, Мадрид ва Москва.

# ПИЧОҒИ МОЙ УСТИДА

**(Ҳажвия)**



«Ажиб замон бўлди-да. Илгарилари бир имо билан иш битириш мумкин эди. Ҳозир бунинг иложи қолмади. Мундай ўйлаб қарасанг, оддий тракторчи. Лекин, шундай деймиз-у, кейинги вақтда тракторчининг ҳам пичоғи мой устида. Уларсиз деҳқончиликка қўл уриб бўлмай қолди. Шунданми, ҳатто, биз раислар ҳам илтимос билан келадиган бўлдиг-а. Хўп замон бўлди-да».

Раис шу хаёллар билан бўлиб, тракторчининг ҳовлисига етиб келганини сезмай қолди.

— Самуғбой, уйдамисан? — раис эшикни қия очиб, ҳовлига разм солди.

Ичкаридан аёл кишининг овози эшитилди.

— Келинг, раис бува, ичкарига...

— Келин, овора бўлманг. Самуғбойда бироз юмуш бор эди. Уйдами?

— Ҳа, уйдалар, ҳозир чақираман. Ҳой дадаси, туринг, раис бува сўраб келдилар.

Самуғбой сапчиб ўрнидан турди-ю, минг бир хаёл билан ҳовлига отилиб чиқди.

— Келинг, раис бува, ичкарига...

— Раҳмат, ука. Хўш, дала шийпони ёнидаги картани биласан-а? Ўша ерни ағдариб, чизил қилиб, жўяк олишга тайёрлаб қўйиш керак. Ёқилғим йўқ, деб баҳона қилмайсан. Тушликка уйингга келиб юрма. Янгангга тайинлаб келганман. Ош дамлаб, жиянларингдан жўнатиб юборади. Туришингдан кеча роса «ҳайдаган»га ўхшайсан. Бошни тузатишга ҳам ул-бул олиб боради.

— Хўп бўлади. Ҳозироқ йўлга тушаман, раис бува. Хотирингиз жам бўлсин, бугундан қолмайди, — деб раисни кузатиб, уйга кирган Самуғбой тиришган хотинига кўзи тушди.

— Сиз ҳам бундоқ одамлардек, уйда бўласизми? — гап бошлади хотини. — Уй-жойимиз бир аҳволда. Пахса девор қулай деб турибди, анови бостирманинг устини ёпиш керак. Томорқага ҳеч бало экмадингиз, эртага кунимизга ярарди.

— Бўлди, хотинжон, бўлди. Раис буванинг ўзлари келибдилар. Ҳурматлари бор, ахир.

— Каталакдаги товуқларга, учтўртта жағи очиқ қўзиларингизга қараб қўяман. Аммо, анови ҳўкизингизга яқин боролмайман. Нима қилсангиз қилинг!

— Шу ҳам проблема бўптими? — деди Самуғбой. — Уни ўзим билан олиб кетаман. Раис буванинг эгатларини зиёрат қилиб келсин.

Самуғбой молхонага кириб, «ковшан» деб атаб юрган ҳўкизини эркалай-эркалай, етаклаб чиқди. Тракторини ўт олдириб, ҳўкизни унинг орқасига боғлади.

— Қалай, хотинжон, зўрми?.. Бўпти, биз кетдик, — деди димоғи чоғ бўлиб.

— Хой, дадаси, эҳтиёт бўлинг. Мени хавотир олдирмай, эртароқ қайтинг.

Самуғбой дала шийпонига етиб келганда, қуёш Бобатоғ ортидан аста кўтарилаётган эди. У ҳўкизни кўмкўк майсазор томон бўшатиб юбориб, ўзи ишга киришиб кетди.

Раис бува айтгандай бўлди. Тушлик ўз вақтида келди. Самуғбой тўрвани очаркан «қойил» деб қўйди. Қулинг ўргулсин паловхон тўра, бир шиша «ўша»ндан.

Тушлик шоҳона бўлди. Бироз мизғиб ҳам олди. Кейин иш янада баракали бўлди. Ҳар замонда ўтлаб юрган ҳўкизига кўз ташлаб, ҳаётдан хурсандлигидан хиргойи қилиб ҳам қўярди.

Раис бува далага келганида, Самуғбой ишни якунлаган эди.

— Эй, қойил, Самуғбой, — деди раис. — Хўш, камчилик бўлмадими? Ул-бул керак бўлса, тортинмай, айтавер.

— Йўғе, уят бўлади. Сизга хизмат қилиш биз учун шараф.

— Раҳмат, Самуғбой. Анови ҳўкиз кимники?

— Бизга қарашли, раис бува.

— Кун ҳам кеч бўлиб қолди. Жиянингга бервор, уйингга ташлаб ўтади.

— Овораси йўқ, ўзим билан келган, ўзим билан кетади.

— Қандай қилиб?

— Йўли бор-да, раис бува.

— Ҳа, майли, эҳтиёт бўл.

Самуғбой ҳўкизни тракторнинг орқасига боғладида, хиргойи қилиб йўлга тушди.

Шу пайт ёнма-ён келиб қолган дўсти Равшаннинг тракторини пайқамай қолди. Равшан Самуғбойга баланд овоз билан «қалай» деди-ю, педални босди. Самуғбой дўстининг тракторидан чиққан қора тутун ичида қолиб кетди.

— Ҳали сенми, мени қувиб ўтадиган! Кўрамиз, кимнинг тутуни аччиқ экан.

Самуғбой педални охиригача босди. Кўз очиб юмгунча дўстидан ўтиб кетди.

— Оғайни, қалай эмас, буни яхмалай дейдилар, — деди лаблари орасидаги сигарета тутунини чуқур тортиб.

Самуғбой ҳовлига хурсанд кайфиятда кириб келди. Уни хотини қарши олди.

— Ҳа, дадаси, кайфингиз чоғ-ку. Бугун ҳўкиз ҳам эсдан чиққандир...

Самуғбой ҳўкиз сўзини эшитдию, бирдан ҳуши ўзига келиб, кўчага отилди. Не кўз билан кўрсинки, тракторга боғланган ҳўкиз қонга беланиб, жон таслим қилаётган эди.

— Ҳа, Равшан, кўрсаткич бармоғингни чаккангга тираб, ишора қилганингча бор экан. Э-й, ковшанжон мен эмас, ҳаммасига ўша Равшан айбдор...

**Асрор СУЛАЙМОНОВ.**

## Об-ҳаво




Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 16 февраль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди, кечаси ва эрталаб туман тушади. Шимоли-шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 9-11, кундузи 0-2 даража совуқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди, айрим жойларда туман тушади. Шимоли-шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 9-14 даража совуқ, кундузи 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ бўлади.

Республиканинг тоғли туманларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди, айрим жойларда туман тушади. Шимоли-шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 15-20, кундузи 7-12 даража совуқ бўлади.

Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Тошкент вилоят бошқармаси томонидан хусусий тадбиркор Пўлатов Абдулла Иргашевичга тегишли Зангиота тумани Қатортол ҚФЙдаги консерва цехи биносига берилган ТВ 003759 рақамли кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририяти «Шарқ» НМАК компанияси капитал-қурилиш бошқармаси бошлиғи Абдуҳаким Юсуповга онаси

**Кутпи аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

*Телефонлар:* Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-145. Адади 7509. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.45. 1 2 3 4 5 6